

## ШАРТНОМА № 2

Фузор шахри

«12» 01 2022 йил.

„Фузор ҳаёти“ газетаси тахририяти Низомига кўра иш юритувчи бош муҳаррир Б. Ҳасанов (қуйида матнда Ижрочи) бир томондан ва иккинчи томондан Низомга кўра. „Шуртангаз кимё мажмуаси“ МЧЖ Бош директори Ш.Ч. Асланов (қуйида матнда Буюртмачи) қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани имзоладилар.

1. Буюртмачи топшириғига кўра Ижрочи 2022 йил давомида газетанинг ҳар бир сонидан етказиб беради ҳамда ўз нашрида махсус сонлар, табриклар, фотосуратлар, эълонлар, реклама-ахборот материалларини чоп этади.

## ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ОЛИНМАЙДИ

Шартноманинг умумий қиймати 19 500 000 (Ўн тўққиз миллион беш юз минг) сўм.

- Шартнома муддати 2022 йил 5 январдан - 31 декабр 2022 йилгача.
- Буюртмачи материаллари олдиндан 30 фоиз пул тўланиб, барча ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг чоп этилади. (хат, табрик матни, мақола, шартнома, тўлов топшириқномаси нусхаси).
- Буюртмачи материалларидаги факт ва рақамлар, матн учун Ижрочи жавобгар эмас.
- Катта ҳажмдаги расмий хабарлар, Қонун ва фармонлар чоп этилиши муносабати билан Ижрочи реклама-ахборот материаллари чоп этилиши муддатини ўзгартириш ҳуқуқига эга.
- Шартнома бўйича Буюртмачи табриклари ва эълонининг Ижрочи томонидан чоп этилиши унинг ўз мажбуриятини бажарганлиги ҳисобланади. Бу ҳолда бажарилган иш учун қўшимча далолатнома талаб этилмайди.
- Алоҳида шартлар: 19 500 000 (ўн тўққиз миллион беш юз минг) сўм табриклар, эълонлар матни ва тарғибот-реклама материаллари учун.
- Шартнома юзасидан келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш йўли билан бартараф қилинади, акс ҳолда томонлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган „Реклама тўғрисида“ги Қонуни, 2001 йил 26 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Қарорига асосан тасдиқланган „Реклама жойлаштириш тўғрисида“ги Низоми, 1998 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг „Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида“ги Қонуни талабларига асосан иш юритадилар.
- Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Буюртмачи газетада реклама-тарғибот мақолалари, табриклари, эълонлари чоп этилгандан сўнг яқунланган ҳисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ

## «БАЖАРУВЧИ»

Қашқадарё вил. Фузор тумани  
 Фузор ҳаёти“ газетаси тахририяти  
 „Х/р: 20210000800381483001.  
 Фузор Агро банк МФО: 00157.  
 ИНН: 200679881.ОКОНХ 87100  
 Тел: 55 21 079

Бош муҳаррир:

Б. ҲАСАНОВ.

## «БУЮРТМАЧИ»

«Шуртангаз кимё мажмуаси» МЧЖ  
 НБВЭДРУ банк Карши шахри  
 х/р: 20210000104039001001  
 МФО:00150 ИНН:203195074  
 ОКОНХ: 11232

«Шуртангаз кимё мажмуаси» МЧЖ Бош директори: Ш. Ч. АСЛАНОВ.

Ушбу шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролар Кодекси асосида тўғри тузилган ва бартараф жавобгарлиги „Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида“ги Қонун талабига тўла жавоб беради.